



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ТОМОНИДАН ҲАЁТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ҲАМОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, майор

Хошимов Муҳаммадазиз Халимжон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги
таълим Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти
ихтисослиги бўйича таълим олаётган 2-ўқув курси 213-
ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15151990>

ARTICLE INFO

Received: 11th March 2025
Accepted: 18th March 2025
Published: 30th March 2025

KEYWORDS

*инспектор, профилактика,
жиноят, ҳаётга қарши жиноят,
олдини олиш, такомиллаштириш,
ишончлилик, замонавий усуллар.*

ABSTRACT

*Мақолада инспекторларнинг
томонидан ҳаётга қарши жиноятларнинг
олдини олиш фаолиятини
такомиллаштиришнинг аҳамияти, долзарб
масалалари ва ишлаб чиқилган чоралар
таҳлил қилинади. Инспекторларнинг
профилактика фаолиятини самарали
ташқил этиш, жиноятчиликнинг олдини
олишда замонавий усуллар ва
технологиялардан фойдаланишнинг
аҳамияти акс эттирилган.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”¹ги 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли Фармонида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича ишлар асосан содир этилган ғайриқонуний қилмишларнинг оқибатларига қарши курашишдан иборатлиги, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, уларни содир этиш сабаблари ва шарт-шароитларини чуқур таҳлил қилиш, аниқлаш ва бартараф этиш бўйича тизимли ва самарали чора-тадбирлар етарли даражада ташқил этилмаганлиги эътироф этиб ўтилди ва шу билан бирга ушбу камчиликларни бартараф этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилди.

Шу боисдан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси жиноий-ҳуқуқий жазолар орқали эмас, балки ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, уларнинг содир этилиши сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда баратараф этиш чора-тадбирларини қўллаш, кучсизлантириш усуллари орқали амалга оширилади, булар ҳуқуқбузарликлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли Фармони

профилактикаси ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишини озиқлантириб турувчи ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги ҳодиса, воқеа ва жараёнларни билишни ва таҳлил қилишни талаб қилади.

Жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, халқ фаровонлиги учун хизмат қилиш, Янги Ўзбекистон давлатини қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлардан кўзланган мақсадларга эришиш бугунги кундаги энг муҳим талаблардан бири ҳисобланади.

Хусусан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қўйи бўғинидан Республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида”²ги ПФ-6196-сон Фармони қабул қилинганлиги жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада самарали ташкил этиш имконини кенгайтди.

Мазкур меъриий-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида профилактик тадбирларни амалга оширишда аҳоли, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликда ташкил этиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларга қонунга ҳурмат муносабатини сингдириш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларнинг содир этиш сабаблари ҳамда уларга имкон берувчи шарт-шароитларни маҳаллаларда бартараф этиш, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг турли кўринишларини барвақт олдини олиш бўйича махсус профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш механизми яратилган.

Мамлакатимиз қонунчилигида ҳам дунёдаги ривожланган давлатлар сингари инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари, шу жумладан маиший турмуш соҳасида содир этиладиган зўравонликни тақиқловчи, ғайриинсоний ёки кадр-қимматини хўрловчи муомала ва жазога дучор этмаслик каби қоидалар акс этган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси янги “Конституцияси”³нинг

25-моддасида Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир ва у қонун билан муҳофаза қилинади. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир. Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси тақиқланиши белгиланган.

26-моддасида Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ва илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас.

27-моддасида Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6196-сон Фармони

³ Ўзбекистон Республикаси “Конституцияси. 2023.,

асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши, қамоқда сақланиши ёки унинг озодлиги бошқача тарзда чекланиши мумкин эмас.

Ҳибсга олишга, қамоққа олишга ва қамоқда сақлашга фақат суднинг қарорига кўра йўл қўйилади. Шахс суднинг қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмас.

Шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши шартлиги белгиланган.

Жиноят ҳуқуқида қийнашнинг **бевосита объекти** жабрланувчининг соғлиғи ёки жисмоний дахлсизлиги ҳисобланади.

Объектив томондан жиноят муттасил равишда дўппослашда ёки бошқача ҳаракатлар билан қийнашда ифодаланади, бунда Жиноят кодекси 104-, 105-моддаларида назарда тутилган оқибатлар келиб чиқмаган бўлиши керак.

Қийнаш – кўп маротаба ёки узоқ вақт давомида оғриқ етказиш билан боғлиқ ҳаракатлар, чимчилаш, савалаш, тўмтоқ ёки ўтқир учли нарсалар билан кўплаб, аммо унча катта бўлмаган шикастлар етказиш, қиздирилган буюмлар билан таъсир кўрсатиш ёки бошқа шунга ўхшаш ҳаракатлардир. Қийнаш жабрланувчига оғир жисмоний ва руҳий азоб, оғриқ, азият беради.

Шахсни жинойий жавобгарликка тортиш учун айбдор ҳаракатида ва жабрланувчига етказилган жисмоний ва руҳий азоб ўртасидаги сабабий боғланиш аниқланиши лозим. Дўппослаш жабрланувчи баданига кўп маротаба зарбалар бериш, уни уриш билан характерланади.

Қийнаш сифатида баҳоланадиган бошқа ҳаракатлар деганда, санаб ўтилганлардан ташқари уйқудан, овқатдан, сувдан маҳрум қилиш, совуқ жойда сақлаш, боғлаш, тишлаш ва бошқаларни тушуниш лозим.

Қийнашда муттасиллик жиноят ҳуқуқи ва жиноят-процессуал ҳуқуқи каби жиноятни уч карра ва бундан ортиқ марта содир этишдан иборат бўлиб, бу ҳаракатнинг доимийлигидан, такрорийлигидан далолат беради. Шунини таъкидлаш керакки, муттасиллик шунчаки айни битта жинойий қилмиш такрорланишинигина эмас, балки унинг ҳаракатларида муайян умумий режа намоён бўлишини ёки айбдорнинг муайян жинойий кўникмалари мустаҳкамланиб боришини кузатиш мумкин бўлган бир қатор ҳаракатларнинг мавжуд бўлишини назарда тутати – унинг бир неча бор такрорланган жинойий қилмишлари бир-бири билан боғлиқ бўлиши керак.

Жиноят дўппослаш ёки бошқача ҳаракатлар билан қийнаш муттасил равишда содир этилган пайтдан эътиборан тамом бўлган деб топилади.

Субъектив томондан жиноят қасддан содир этилади. Қилмишнинг мотиви ва мақсади жиноятни квалификация қилиш учун аҳамиятсиздир.

Ушбу **жиноятнинг субъекти** 16 ёшга тўлган ҳар қандай шахс бўлади.

Кўриб чиқиладиган модданинг 2-қисмида:

1) вояга етмаган шахсга нисбатан;

2) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;

3) ожиз аҳволдаги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган қийнаш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Эҳтиётсизлик орқасидан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш (ЖК 111-моддаси)

Объектив томондан жиноят эҳтиётсизлик орқасидан баданга оғир (ЖК 111-моддаси 1-қисми) ёки ўртача оғир (ЖК 111-моддаси 2-қисми) шикаст етказишда ифодаланади.

Субъектив томондан жиноят эҳтиётсизликдан, жинойий ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик оқибатида содир этилади.

Айбдор ҳаракатлари қасддан содир этилганда ва бунинг натижасида жабрланувчига ЖК 104-моддаси 1-қисми ёки 105-моддасидаги тан жароҳатлари етказилса, айбдорнинг эса уларга кўзи етмаса, лекин кўзи етиши лозим ва мумкин бўлса, унинг

ҳаракатлари ЖК 111-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилиниши лозим.

Эҳтиётсизликдан енгил тан жароҳати етказиш жиноий жавобгарликни келтириб чиқармайди.

Эҳтиётсизлик орқасидан икки ёки ундан ортиқ шахс баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш ЖК 111-моддаси 3-қисмига асосан жавобгарликни келтириб чиқаради. Агар эҳтиётсизлик орқасидан баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилса ва бу ЖКнинг тегишли моддаларида берилган махсус қоидаларини бузиш оқибатида юз берган бўлса, қилмиш тегишли моддалар бўйича квалификация қилинади (масалан, ҳаракат хавфсизлиги қоидалари, меҳнат хавфсизлиги, тоғ-кон, қурилиш ёки ёнғинга хавfli ишларнинг хавфсизлик қоидалари, санитария-эпидемиологик нормативлар ва бошқ.)

Жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган эҳтиётсизлик орқасида баданга шикаст етказиш ЖК 102-моддасига асосан квалификация қилинади.⁴

Бугунги кунда ҳудудларда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, жиноятларнинг содир этилиши сабаблари, шахсда ғайриижтимоий хулқ-атвор ва хусусиятларнинг шаклланиши ҳамда турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликлар содир этилиши, қонун ёки қонун ижросига путур етказадиган, унга риоя қилишга тўсқинлик қиладиган омиллар оиладаги муҳит таъсирида юзага келади. Зеро, ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг келиб чиқишида оиладаги носоғлом ижтимоий-руҳий муҳит муҳим роль ўйнайди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда шахснинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавfli аҳволда содир этилган жиноятларнинг 40 фоизи, ҳар тўртта қотилликнинг биттаси, қасддан баданга шикаст етказишнинг ҳар бештадан биттаси, ҳақорат қилиш ва туҳматнинг саккизтадан биттаси айнан оила-турмуш соҳасида содир этилмоқда.

Шу боисдан **ҳаётга қарши жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини** такомиллаштириш ва уларни олдини олишнинг таъсирчан тизимини яратиш, ундан жабрланган шахсларга ижтимоий, ҳуқуқий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш, ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган оилаларни ўз вақтида аниқлаб, улар билан манзилли ва тизимли профилактика ишларини ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини турли тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш, оилавий муносабатларда юзага келадиган низоларни ўз вақтида аниқлаб, уларни ижобий ҳал этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини таъминлаш, шунингдек оиладаги зўравонликлардан жабрланганларга ижтимоий, иқтисодий, тиббий-психологик, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ижтимоий реабилитация қилиш механизмларини такомиллаштириш масалалари бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этаётганлиги ушбу йўналишда чуқур илмий-тадқиқот ишлари олиб борилишини тақозо этмоқда.

Фойданилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. 2024.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуни.

⁴ <https://qiziriq.uz/oz/blog/okimlik-yangiliklari/239>

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6196-сон Фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 29-ноябрдаги “Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармон.

7. Қадамович, Б. Ҳ. (2024). ХОТИН-ҚИЗЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШ-ТИРИШ. Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences, 4(4), 33-41..

